O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
YANGIQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING

QAROR

Yangiqo’rg’on shaharchasi Mustaqillik ko’chasi, 1 uy. 161200 Tel: (69)63-21-051

2022 - yil 30 - sentabr 546-6-90-Q/22 Yangiqo‘rg‘on tuman hokimligi

Янгиқўрғон туманда умумий овқатланиш маҳсулотларининг айрим турларини махсус ажратилган жойларда сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 13-февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан туман ҳудудида умумий овқатланиш таомларининг айрим турларини махсус ажратилган жойларда сотиш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 13-февралдаги 75-сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Янгиқўрғон туман ҳудудида умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини махсус ажратилган жойларда сотиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Янгиқўрғон туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи (А.Абдуллаев), туман Давлат солиқ инеспексияси (Н.Алимов), туман Санитария эпидимиология осойишталик маркази (С.Умаров), туман Қурилиш бўлими (Э.Иргашев) ушбу тартибга риоя этилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарор “Янгиқўрғон хаёти” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ва бир кун муддатда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Сотиболдиев зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **A.Najmiddinov**

Yangiqo‘rg‘on tuman hokimining
2022 yil 30 sentabrdagi
546-6-90-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Умумий овқатланиш маҳсулотларининг айрим турларини махсус ажратилган жойларда сотиш

ТАРТИБИ

Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб Янгиқўрғон туман ҳудудида мажбурий тартибда деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари ва савдо комплекслари (кейинги ўринларда- ташкилотлар деб юритилади)ҳудудида умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини махсус ажратилган жойларда сотиш тартиб-қоидаларини белгилайди.

2. Умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини уй шароитларида тайёрлаб келинган ёки жойлардаги ваколатли орган қарори билан махсус ажратилган жойларда овқатланиш ўринлари ташкил этмасдан донали тайёрлаш ва сотиш бўйича хизмат кўрсатувчи — якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

3. Умумий овқатланиш махсулотлари (таомлари) айрим турларини, донали тайёрлаш, пишириш ва сотиш учун махсус ажратилган жойлар енгил конструктив қурилган ва шаҳарсозлик, санитария ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва талабларига жавоб берадиган, озиқ-овқат маҳсулотларини вақтинча сақлаш, масаллиқ тайёрлаш, пишириш ва персонал шахсий гигиенасига риоя этиш имкониятига эга бўлиши керак.

4. Ушбу тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турлари — масаллиғи уй шароитида ёки ваколатли орган томонидан махсус ажратилган жойларда тайёрланиб, овқат пишириш воситаларида пиширилади ва сотиладиган донали таомлар (сомса, блинчик, чебурек, манти, хоним, сосискали кулча, фаст-фуд ва бошқа донали таомлар);

махсус ажратилган жой — белгиланган тартибда фаолият юритиш учун ажратилган, умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турлари тайёрланадиган ва сотиладиган жой;

талабгор — уй шароитида ёки махсус ажратилган жойларда овқатланиш жойларини ташкил этмасдан умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини тайёрлаш ва сотиш истагини билдирган якка тартибдаги тадбиркор;

ваколатли давлат органлари — Янгиқўрғон туман Фавқулодда вазиятлар бўлими, Янгиқўрғон туман Давлат солиқ инспексияси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Янгиқўрғон туман бўлими, Янгиқўрғон туман Қурилиш бўлими;

жойлашиш схемаси — ваколатли орган томонидан махсус ажратилган

жойларнинг олдиндан тасдиқланган жойлашуви.

II. Тегишли ҳудудларда махсус жойларни ажратиш ва жойлашиш схемасини тузиш

5. Янгиқўрғон туман ҳокимлиги томонидан ташкилотлар маъмурияти таклифига биноан умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини тайёрлаш ва сотиш учун махсус ажратилган жой танланган кундан кейин 1 иш куни давомида ваколатли давлат органлари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

Ваколатли давлат органлари мазкур ўрганиш якуни бўйича 3 иш кунида ижобий ёки салбий хулосаларини талабгорга тақдим этилиши лозим.

Умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини тайёрлаш ва сотиш учун махсус ажратилаётган жойда савдо қилишишни рад этилган тақдирда, ваколатли органлар томонидан салбий хулоса бериш учун асосларни келтириб ўтиши лозим.

Талабгор томонидан ваколатли органнинг хулосасидаги рад этувчи сабабларнини бартараф этиш имконияти мавжуд бўлса, 5 иш куни ичида қайта хулоса олиш учун юборилади.

Ваколатли органлар томонидан ўрганиш натижалари бўйича берилган хулосалари учун тўлов ундирилмайди.

6. Ваколатли давлат органлари билан келишиш учун махсус ажратилаётган жой алоҳида кўрсатилган ҳолда ташкилот ҳудудининг умумий жойлашиш схемаси тақдим этилиши лозим.

7. Ташкилот ҳудудидаги махсус ажратилаётган жойлар санитария қоидалари ва гигиена нормалари, ёнғиндан сақланиш ва шаҳарсозлик нормаларига жавоб берган тақдирда келишилади.

8. Махсус ажратилган жойларнинг сони ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси, савдо айланмасининг юқори ва пастлиги, аҳолининг кунлик истеъмол талабидан келиб чиқиб ваколатли органлар томонидан белгиланади.

9. Донабай умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турлари масаллиқларини уй шароитида тайёрлаб келиб пишириб сотиш ёки махсус ажратилган жойда тайёрлаб, пишириб сотиш жойларининг жойлашиш схемаси ташкилот маъмурияти таклифига биноан ваколатли органлари томонидан тузилади ҳамда жойлашув схемаси харитаси ташкилотга кириш жойи қисмида кўринарли тарзда жойлаштирилиши шарт.

Умумий овқатланиш махсулотлари (таомлари) айрим турларини сотиш учун махсус жойларни ажратиш ҳар икки йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

III. Умумий овқатланиш маҳсулотларини (таомларини) махсус ажратилган жойларда сотиш талаб ва шартлар

10. Талабгор ташкилот маъмурияти билан тузилган ижара шартномаси асосида уй

шароитида ёки ваколатли орган қарори билан махсус ажратилган жойларда умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини тайёрлаш ва сотиш бўйича хизмат кўрсатади.

Ушбу хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома талаб этилмайди.

Хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш давомида назорат-касса техникаси қўлланилмайди.

Умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини тайёрлаш ва сотишни амалга оширишнинг мажбурий талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

санитария қоидалари ва гигиена нормалари;

ёнғиндан сақланиш нормалари;

техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши лозим.

Талабгорлар ва улар томонидан ёлланган ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турлари уй шароитида тайёрланса, овқат масаллиқлари вақтинча сақланиши, таом тайёрланиши, пиширилиши жараёни ва фойдаланиладиган хоналар ҳамда жиҳозлар санитария қоидалари ва гигиена нормаларига мувофиқлиги якка тартибдаги тадбиркорнинг зиммасига юкланади.

Махсус ажратилган жойларда маиший чиқиндиларни йиғиш учун қопқоқли чиқинди қутилари бўлиши лозим.

11. Умумий овқатланиш маҳсулотлари (таомлари) айрим турларини ташкилотларнинг кириш йўлаклари, автомобил тўхташ жойларида, бозор ва савдо комплекси ҳудудида жойлашган савдо магазинларига кириш йўлларига туташ жойлар, ҳожатхона, чиқиндихонага 25 метр ва ундан кам масофада жойлашган ҳудудларда тайёрлаш ва сотишга йўл қўйилмайди.

IV. Ушбу Тартибга риоя этилишини назорат қилиш

12. Ушбу тартибга риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

В. Якунловчи қоидалар

13. Ушбу тартиб асосида фаолият олиб борувчи талабгорларнинг сони чекланмайди.

14. Махсус ажратилган жойларда умумий овқатланиш махсулотлари (таомлари) айрим турларини тайёрлаш ва сотиш давомида муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш талабгорлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

15. Ушбу тартиб талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.